



Institute for Macroeconomic
and Regional Studies



МАКРОИҚТISODIЙ ВА ХУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

МАМЛАКАТДАГИ БИЗНЕС МУҲИТИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ

МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДҮДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

**МАМЛАКАТДАГИ
БИЗНЕС МУҲИТИНИ
БАҲОЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАРНИ
АНИҚЛАШ**

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) томонидан Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда ишбилармөнлик мүхитини баҳолаш ва тадбиркорлик фаолиятига түсик бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида сўров ўтказилди ва унда республиканинг барча ҳудудларидан 4538 та тадбиркорлик субъекти иштирок этди.

Маълумот учун: Мазкур сўров жорий йилнинг 29-май – 9-июнь кунлари онлайн шаклда ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг 88,8 фоизи асосан 5 та йўналишда, яъни улгуржи ва чакана савдо (23,6 фоиз), саноат (22,9 фоиз), қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалиги (15,2 фоиз), умумий овқатланиш (14,2 фоиз) ҳамда майший хизматлар (12,9 фоиз) соҳаларида фаолият юритади. Респондентларнинг 98,9 фоизида 50 нафаргача ишчи фаолият юритади. Бу эса ўтказилган сўровда кичик тадбиркорлик субъектларининг салмоғи сезиларли бўлганини қўрсатади.

I. ИШБИЛАРМОНЛИК МУХИТИ

1 “Яширин” иқтисодиёт кўлами“ икки томонлама тифли қилич” сингари ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 30 фоиздан ортиғи солиқ ставкаларини юқори, деб ҳисобласа, ҳар бешинчи тадбиркорнинг фикрича, норасмий сектордаги рақобатчилар бизнес муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса “яширин” иқтисодиёт кўлами бир томондан солиқ ставкаларини янада камайтириш имкониятини чеклаётган бўлса, бошқа томондан солиқ тўлашдан қочиш бозорда соғлом рақобат муҳитига таъсир қилаётганини кўрсатади.

Маълумот учун: Солиқ ставкаларини юқори, деб ҳисблайдиган тадбиркорлик субъектлари улуши Қорақалпоғистон Республикаси (37 фоиз) ҳамда Сирдарё (41 фоиз), Қашқадарё (35 фоиз), Фарғона (34 фоиз), Сурхондарё (34 фоиз), Жиззах (34 фоиз) ва Самарқанд (33 фоиз) вилоятларида 30 фоиздан ортиқни ташкил этади.

2 Ер олиш, табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш молиялаштиришдан ҳам долзарброқ масала сифатида сақланиб қолмоқда.

Бизнес муҳитини янада яхшилашда тадбиркорларнинг салкам 30 фоизи учун ер олиш билан боғлиқ масала маълум даражада (катта, ўртача кичик) тўсиқ ҳисобланади.

Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг ҳар тўртинчиси табиий газ (27 фоиз) ва электр энергияси (25 фоиз) нинг узлуксиз таъминотида қийинчиликларга дуч келаётганлигини билдирган. Респондентларнинг 23 фоизи эса молиялаштириш (кредит) билан боғлиқ масалани ўз фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқ сифатида қайд этган.

3 Коррупция ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқа давлат органларининг ортиқча аралашуви билан боғлиқ ҳолатларнинг сақланиб қолаётганлиги ҳам бизнес муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик вакилларининг 17 фоизи коррупция, 16 фоизи эса маҳаллий ҳокимият ва айрим давлат органларининг ортиқча аралашуви бизнес муҳитига салбий таъсир кўрсатаётганини қайд этган.

Мисол учун, Шолицилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалига шоли экиш учун ажратилган 120 гектар ернинг 100 гектарига Гурлан тумани прокуратура органлари томонидан пахта экиш лозимлиги бўйича кўрсатмалар берилган. Шунингдек, Хоразм вилояти Янгибозор тумани собиқ ҳокими томонидан “Чўболончи” қишлоғида жойлашган “Достонбек” кўп тармоқли фермер хўжалигига ажратилган ер майдонини янги тайинланган ҳоким томонидан қайтариб олиш учун судга берилган.

4 Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида бизнес мұхити даражасы нисбатан пастроқ ҳисобланади.

Сүровда қатнашганларнинг 75 фоизи бизнес мұхитини ўртачадан (6-10 балл) юқори баҳоланған. Лекин, Қорақалпоғистон Республикаси (32 фоиз), Тошкент (32 фоиз) ва Сурхондарё (31 фоиз) вилоятларида ҳар үчтә тадбиркорнинг бири бизнес мұхитини ўртача ёки ундан паст даражада, деб баҳолаган.

II. МОЛИЯЛАШТИРИШ

5 2023-йилда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришда асосан үз маблағлари (84,3 фоиз) ва банк кредитларидан (47,6 фоиз) ғойдаланған.

Банк кредитларини олиш имконияти чекланған тадбиркорлар молиялаштиришнинг құшымча манбаси сифатида норасмий қарз берувчилар, дүстлар, қариндошлар, таниш-билиш ва бошқалар (7,8 фоиз), тақсимланмаган фойда (6,4 фоиз), мижозлардан аванслар (4 фоиз), компания әгалари улуши (3,6 фоиз) ҳамда етказиб берувчилардан кредитта харидларга (3 фоиз) мурожаат қылған.

III. ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИ

6 Импорт қилувчи мамлакатлардаги ташқи савдо қоидалари, стандартлар ва мувофиқлик талаблари учун харажатлар, экспорт бозоридаги күчли рақобат ҳамда юқори тарифлар, квоталар ва бошқа савдо чекловлари янги бозорларга қиқиши ёки экспорт ҳажмини оширишни қийинлаштирумокда.

Сүровда қатнашган экспорт қилувчи тадбиркорларнинг 52 фоизи экспорт-импорт қоидалари, стандартлаштириш ва мувофиқлик талабларига амал қилишда муаммо ва қийинчиликтер мавжудлигини өттироф этган бўлса, 19 фоизи күчли рақобат, 17 фоизи савдо чекловлари (юқори тарифлар, квоталар) сабабли янги бозорларга қиқиши имкониятлари чекланғанлигини таъкидлашган. Шунингдек, самарали ва ишончли логистика, сақлаш ва тарқатиш инфратузилмаси (14 фоиз) ҳамда валюта курси ўзгаришининг маҳсулот нархи ва рентабеллигига таъсири (13 фоиз) ҳам экспорт географиясини кенгайтиришдаги жиддий тўсиқлардан ҳисобланади.

7 Экспорт бозорларини араб давлатлари ва Африка мамлакатлариға кенгайтириш имкониятлари сақланиб қолмоқда.

Экспорт қилувчи тадбиркорларнинг 2 фоизи Араб давлатлариға ҳам экспорт қилишини, 0,3 фоизи маҳсулотлари Африка давлатлариға (араб давлатларидан ташқари) ҳам етиб бораётганини маълум қилған.

Маълумот учун: Кичик тадбиркорлик субъектларининг жами маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспортидаги улуши 2010-йилдаги 14 фоиздан 2023-йилда 29 фоизга етди. Ушбу кўрсаткич Сурхондарё (72,4 фоиз), Фарғона (68,4 фоиз) ва Хоразм (64,2 фоиз) вилоятларида юқори бўлса, Навоий вилояти (9 фоиз) ва Тошкент шаҳри (24,1 фоиз) да нисбатан пастроқ.

IV. ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

8 Кичик ва ўрта бизнес учун жорий этилган имтиёзлардан хабардорлик даражаси юқори бўлсада, улардан фойдаланиш даражаси паст.

Сўровда иширок этган тадбиркорлик вакилларининг 70 фоизи ҳукуматнинг уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларидан хабардорлиги, лекин улардан фойдалмаганини билдирган. Хусусан, соддалаштирилган харид тартиб қоидалари (69 фоиз), ёшларни иш билан таъминлаш учун субсидиялар (69,7 фоиз), бепул қайта тайёрлаш дастурлари (70,4 фоиз), божхона имтиёзлари (69,9 фоиз), экспортни рағбатлантириш бўйича имтиёзлар (70,7 фоиз), транспорт харажатлари бўйича компенсациялар (70,8 фоиз) молия ва солиқ имтиёзларидан нисбатан кам фойдаланилган.

V. ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ


9 Импорт қилинаётган асбоб-ускуналарни олиб кириш ва рўйхатдан ўтказиш, ички бозорда уларнинг эҳтиёт қисмлари мавжудлиги ҳамда техник хизмат кўрсатиш имкониятлари замонавий технологиялардан фойдаланишда муҳим омиллар ҳисобланади.

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 20 фоизи ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни татбиқ қилишда ушбу технологияларни импорт қилиш ва рўйхатдан ўтказишни тўсик, деб ҳисобласа, 19 фоизини маҳаллий бозордан эҳтиёт қисмларни топиш ўйлантирумокда. Замонавий технологияларга техник хизмат кўрсатадиган мутахассисларни излаб топиш қийинчиликлари (18 фоиз) мазкур технологияларга инвестиция қилиш қарорига таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Маълумот учун: 2022-йилда импортда юқори технологияли маҳсулотлар улуши 11,6 фоизни, экспортда 0,6 фоизни ва қайта ишлаш саноатида 2,1 фоизни ташкил қилган.

Ишбилиармонлик мұхитига түсиқлар







Маҳаллий ҳокимият ва бошқа давлат органларининг ортиқча аралашуви




Бизнес мухитини баҳолаш



Бизнес мүҳитини баҳолаш



Молиялаштириш



**Экспорт фаолияти билан шүғулланувчи тадбиркорларнинг
экспорт географияси**



Янги бозорларга чиқиш ёки экспорт ҳажмини оширишдаги асосий муаммолари

Чет мамлакатларнинг қоидалари, стандартлари ва мувофиқлик талабларига амал қилиш кўп харажат талаб қилади

Экспорт бозорларида кучли рақобат мавжуд


Чет мамлакатларнинг юқори тарифлари, квоталари ва бошқа савдо чекловлари экспорт бозорига киришни қийинлаштиради

Самарали ва ишончли логистика, сақлаш ва тарқатиш катта тўсиқ ҳисобланади

Валюта курсининг ўзгариши нарх ва экспорт рентабеллигига таъсир қилиши мумки

Экспорт бозорларидаги мижозларнинг хоҳиш истакларини тушунишда қийинчилик бор

Экспорт фаолиятини молиялаштириш учун маблағ олишда қийинчилик мавжуд



0,0% 10,0% 20,0% 30,0% 40,0% 50,0% 60,0%

Замонавий технологиялардан фойдаланиш

Импорт қилинадиган асбоб-ускуналарни
олиб кириш ва рўйхатдан ўтказиш



Эҳтиёт қисмларнинг мавжудлиги



Техник хизмат қўрсатиш имкониятлари



Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва
консалтинг хизматларини қўрсатиш
тизимининг мавжудлиги



Маҳаллий асбоб-ускуналарни сотиб олиш
имконияти



■ Жуда катта тўсиқ ■ Катта тўсиқ ■ Кичик тўсиқ ■ Ўртача тўсиқ

Замонавий технологиялардан фойдаланиш



